



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova B.B.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

**Муҳамедов Азизбек Холмурат ўғли,
А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика
институтини мустақил тадқиқотчиси**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНING ФАН
СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ (ГАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ
"ТИЛ ВА ТАРЖИМА" МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА)**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-11>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда таржима назариясининг фан сифатида шаклланишида профессор Гайбулла Саломовнинг ҳизмати бениҳоя каттадир. Олим таржима назарияси ва амалиёти борасида бир қатор монография ва дарсликлар яратди. Эндиликда, Ф.Саломов яратган таржима назарияси концепцияси А.В. Федоров, И. Кашкин, Г. Гачечиладзе ишлари каби "классикага" айланиб қолди десак муболаға бўлмайди.

Мақолада, муаллиф проф. Ф. Саломовнинг "Тил ва таржима" монографиясининг ўзбек таржимашунослигида тутган ўрни ва бугунги мавқеи хусусида баҳс юритади.

Калит сўзлар: таржиманинг лингвистик ва реалистик принциплари, ўзбек таржима назарияси, таржима назариясининг категориялари, таржимада мақол, матал ва идиомалар.

**Муҳамедов Холмурат Азизбек угли,
Жиззахский государственный педагогический
институт имени А.Кодирий, Соискатель.**

**ФОРМИРОВАНИЕ ТЕОРИИ ПЕРЕВОДА КАК НАУКА В
УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ МОНОГРАФИИ Г.
САЛЯМОВА "ЯЗЫК И ПЕРЕВОД")**

АННОТАЦИЯ

Вклад узбекского ученого и профессора Гайбуллы Саломова в развитии теории

перевода как науки в Узбекистане бесценна. Ученый опубликовал ряд монографий и учебников по теории и практике перевода. В наши дни, его концепция о теории перевода, как и труды А.В. Федорова, И. Кашкина и Г. Гачечиладзе, являются "классикой" переводоведения.

В статье автор обсуждает роль и сегодняшний статус монографии "Язык и перевод" Г. Саломова в узбекском переводоведении.

Ключевые слова: лингвистические и реалистические принципы перевода, узбекская теория перевода, категории теории перевода, пословицы, поговорки и идиомы в переводе.

Muxamedov Holmurat Azizbek ugli,
Jizzakh State Pedagogical Institute named after A.Kodiry, Researcher

DEVELOPMENT OF TRANSLATION STUDIES AS A SCIENCE IN UZBEKISTAN (ANALYSIS OF G. SALOMOV'S MONOGRAPH "LANGUAGE AND TRANSLATION")

ANNOTATION

Uzbek scholar and translation theorist Professor Gaybulla Salomov's contribution to the development of translation theory as a science in Uzbekistan is invaluable. The scholar has published a number of monographs and textbooks on the theory and practice of translation. Nowadays, his concept of translation theory, like the works of A.V. Fedorov, I. Kashkin and G. Gachechiladze, are the "classics" of translation studies.

In the article, the author discusses G. Salomov's monograph "Language and Translation" and its importance and current status in Uzbek translation studies.

Key words: linguistic and realistic principles of translation, Uzbek translation theory, categories of translation theory, proverbs, sayings and idioms in translation.

Ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек таржимашунослиги илмида таржима назариясининг лингвистик тамойилларига бағишланган ўайбулла Саломов, Қудрат Мусаев, Асрор Нарзуқулов ва С. Саломоваларнинг номзодлик диссертациялари майдонга келди. Улар орасида дастлаб ў. Саломовнинг "Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода" ("Бадий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари") мавзусида рус тилида ёзилган номзодлик диссертацияси ва ушбу диссертация негизида яралган "Тил ва таржима" (Бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари) номли монографияси ўзбек таржима илмида муҳим ахамият касб этди. Бу асарлари билан олим гарбий европа ва собиқ иттифоқ таржима илмида ўша пайтлар мунозара марказида бўлган бадий таржиманинг лингвистик ва реалистик принциплари хусусида фикр юритган. Тўғриси, олим собиқ иттифоқ таржима назарияси асосчиларидан бири, профессор А.В. Фёдоровнинг 1953 ва 1958 йилларда нашр қилинган "Введение в теорию перевода" монографияси мундарижаси ва мазмунига монанд ўзбек лингвистик таржима назариясини яратишга муаффақ бўлган эди.

Профессор ўайбулла Саломовнинг "Тил ва таржима" номли монографияси икки қисмдан иборатдир. Муаллиф монографиянинг кириш қисмида: "...биз Ўзбекистонда таржима назариясини фан сифатида шаклланиш жараёнини кузатар эканмиз, бу билан рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг қандайдир

"махсус" назарияси мавжуд деб даво қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, мақсадимиз таржима назариясининг марксизм-ленинизм методологиясига асосланган фан эканлигини кўрсатиш билан бирга, таржима назариясининг бир қанча асосий категориялари ва тушунчаларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш материали асосида ёритишдан иборат." Кўриниб турибдики, ушбу асар ўзининг методологик назарияси ва мазмуни билан ўтган асрнинг 80-йилларигача муҳим манба бўлиб келди. Ундаги назарий фикрлар эса то бугунга қадар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Монографиянинг биринчи қисм "Бадий таржиманинг назарий ва амалий масалалари" (9-161 бетлар) деб номланган. У уч бобни ўз ичига олади. Биринчи боб "Таржима назариясининг биринчи саҳифаларини варақлаганда" (11-57 бетлар) деб номланади. Унда "Рус ёзувчилари таржима ҳақида" номли параграфида муаллиф "Русские писатели о переводе (XVIII-XX вв.)"[1] тўплами, А.В. Фёдоровнинг "Введение в теорию перевода (лингвистические проблемы)" (1958) монографияси, ҳамда П.М. Топернинг "Тенденции реализма (Русские писатели XIX века о художественном переводе)" [2, 41-80; 3, 45-96] мақоласида келтирилган фактик материаллардан фойдаланган ҳолда ёритишга ҳаракат қилади.

Бобнинг иккинчи параграфи ҳам юқоридаги манбалар асосида "Марксизм-ленинизм классиклари таржима ҳақида" (23-36 бетлар) деб номланган бўлиб, унда муаллиф К. Маркс, Ф.Энгельс ва В.И. Лениннинг таржима ҳақидаги фикрларини ўрганади. Бобнинг кейинги параграфлари "Совет адабиёти кўп миллатли адабиёт" (36-42) ва "Совет таржима мактабининг ташкил топиши тарихи ва тараққиёт йўли" деб номланган бўлиб, улар ҳам А.В. Федоров, К.И. Чуковскийнинг "Искусство перевода" (Л.,1930), К.И. Чуковскийнинг "Искусство перевода" (М.Л.,1936), ўша муаллифнинг "Высокое искусство" (М.,1941), И.А. Кашкиннинг "О реализме в советском художественном переводе" ("Дружба народов"; 1954, № 4), С. Сиддиқнинг "Адабий таржима санъати" (1936) каби китоб ва мақолаларидаги материаллардан фойдаланиб ёзилган. Шунингдек монографиянинг ушбу бобида совет таржима мактабининг шаклланиши ва тараққиётида 1958 йил Олмаота, 1961 йил Фрунзе, 1962 йил Тбилиси, 1962 йил Қозон, 1966 йил Москва шаҳарларида бўлиб ўтган илмий конференцияларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтган. Бу конференцияларда ўзбек олимларининг чиқишлариги алоҳида таъкидлайди. Масалан, бу даврда Ўзбекистонлик таржимашунослар Ш. Шомуҳамедов, Э. Азнаурова, Ж. Шарипов, М. Расулий, Н. Владимирова, Г. ўофуровалар халқаро конференцияларда сўз олиб тажрибаси ошганлиги таъкидлаб ўтилади.

Профессор ўайбулла Саломов монографиясининг учунчи боби "Таржима назариясининг илмий асослари ва бадий таржиманинг амалий масалалари" (119-161 бет) деб номланади. Муаллиф китобнинг ушбу бобида таржима "ҳалқлар дўстлигининг муҳим воситаси", "бадий таржиманинг мазмуни, хусусияти ва асосий шартлари", "таржимадан таржима ва подстрочник орқали таржима қилиш масалаларига доир", "таржима назариясининг баъзи мунозарали масалалари" хусусида фикр юритади.

Профессор ўайбулла Саломов монографиясининг биринчи қисмида таржима тарихи ва назариясининг ўтган асрнинг 60-йилларигача бўлган собиқ иттифоқ, жумладан ўзбек таржима назариясининг фан сифатида шаклланишини илмий очерк тарзида ёритиб берган бўлса-да, кўп холларда рус олимларининг фикрлари

ва тадқиқотларига суяниб иш тутгани яққол кўзга ташланади. Боб сўнгида муаллифнинг ўн тўққиз банддан иборат таклифлари ўша давр таржима амалиёти ва назариясини янада такомиллаштириш, "Ўзбекистон КП Марказий комитетининг 1966 йилда чиқарилган маҳсус қарорини тўла амалга оширишни тақозо қилар этган" эди. Бу таклифлар орасида республика олий ўқув юртларининг филология факултетларида "Таржима назарияси ва амалиёти" фанини ўқув дастурига киритиш, Тошкент давлат университети журналистика факультети қошида "Таржима назарияси" кафедрасини ташкил этиш, "Таржима назариясига кириш" дарслигини яратиш ишлари олим томонидан 70-йилларнинг бошида амалга оширилди.

Профессор ўайбулла Саломов монографиясининг иккинчи қисми "Бадий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари" (161-287 бетлар) деб номланади. Иккинчи қисм уч бобдан иборат. Биринчи боб "Сўз танлаш проблемаси" (163-256 бетлар) деб номланади. Бобда асосан "таржиманинг асосий қурилиш материали сўз ҳисобланади" қабилидаги тезис олға сурилган. "Таржима қилишдан мақсад, - деб ёзади муаллиф, иккинчи тилга сўзлар тизмаси ва гаплар силсиласини кўчириш эмас, балки уларнинг маънида яшириниб ётган маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Биринчиси, ҳеч қандай маҳорат талаб қилмайдиган механик иш, иккинчиси эса чинакам санъатдир"[4, 168]. Шу ўринда ўз фикрини муаллиф машхур олим ва таржимон М.М. Морозовнинг "сўз танлаш проблемаси - таржиманинг ўзак проблемаларидан бири" [5, 27], деган таърифига асосланади. ў. Саломов ўз фикрини давом эттириб "Таржима жараёнида битта сўзни ноўрин ёки атайлаб қўшиш ёхуд ташлаб кетиш, бирон иборанинг маъносини тушунмай ёки қасдан бузиб талқин қилиш фақат лингвистик қусурга эмас, балки қўпол, баъзан сиёсий хатога олиб келиши мумкин"[4, 168], дейди.

Китобнинг ушбу бобида муаллиф "сўзларнинг маъно томонидан бирикиши хусусиятлари ва таржимада семантик ҳолатлар", "таржиманинг баъзи грамматик муаммолари" хусусида батафсил тўхталиб ўтади. Муаллиф китобнинг бу бобида ҳам рус таржимашунослари А.В. Федоров, Р.А. Будагов, М.М. Морозовлар изидан бориб, уларнинг назарий фикрларига эргашади, асосан рус адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган асарлар таржималарини таҳлил қилиш орқали ўзбек таржимонларининг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб беради.

Масалан, олим таржиманинг грамматик муаммолари хусусида сўз юритаркан А.В. Федоровнинг қуйидаги хулосаларига таянади: "А.В. Федоров асл нусха билан таржима тили ўртасида юз берадиган грамматик тафовутнинг уч хил кўринишини қайд этади:

1. Асл нусха тилида асар таржима қилинаётган тилда бўлмаган грамматик элемент учрайди.

2. Асар таржима қилинаётган тилда асл нусха тилида бўлмаган грамматик элемент учрайди.

3. Асл нусха тилида мавжуд элементлар бору, аммо улар ўз функциялари томонидан фарқ қилади"[2,179-180].

Шунингдек, Р.А. Будаговнинг "Тилшуносликка кириш" ва У.Л. Успенскийнинг "Сўз ҳақида сўз" монографиясида сўзларнинг маъно хусусиятларига доир фикрларини ҳам инобатга олганлигини кузатамиз [6, 248].

Профессор ўайбулла Саломов "Тил ва таржима" номли китобининг иккинчи бўлими иккинчи боби "Бадий таржиманинг фразеологик проблемаси" деб номланади. Бобнинг "Таржима назариясининг муҳим ва мураккаб масаласи"

параграфда: "Таржима назариясининг бир қанча муҳим масалалари қатори, мақол, матал, идиомалар, сўз ўйинлари ва образли ибораларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш проблемаси ҳам ғоят катта ахамият касб этади" [4, 237] деб ёзаркан, ўз фикрини мустақамлаш учун А.В. Федоровнинг ушбу сўзини келтирди: "Фразеология масалалари ва турли тилларда сўзларнинг ҳар хил бирикишига оид умумий проблема, таржима практикаси билан бирга, таржима назарияси учун ҳам ғоят муҳимдир. Чунки, турли тилларда моддий маъноси бир ҳил бўлган сўзларнинг маъно ва услуб функциялари бир-биридан тафовут қилиши, турли тилларда бундай сўз бирикмаларининг фарқ қилганлиги учун, таржима практикасида катта мушкуллик туғдириб, назарий жихатдан ҳам жуда катта қизиқиш уйғотади." [2, 169].

Муаллифнинг тан олишича, "мақол, матал ва идиоматик иборалар бадий асарда автор тилида, ҳамда унда тасвирланган персонажлар нутқида кўп учраши сабабли, улар бадий адабиёт учун жуда характерлидир. Бироқ, А.В. Федоровнинг фикрича, нутқ воситаларининг бу категорияси фақатгина бадий адабиётнинг хусусий мулки бўлолмайди. Чунки фразеологик иборалар публицистик ва, қисман, илмий адабиётларда ҳам ишлатилади. Шунинг учун уларга фақат бадий адабиётга таълуқли масала деб эмас, балки жуда муҳим умумий тил масаласи сифатида қарамоқ керак [2, 170-171]. Биз А.В. Федоровнинг сўзларига таяниб, асосан, бадий таржимада фразеологияни акс эттириш масаласига эътиборни қаратган ҳолда, ишда, қисман, сиёсий адабиётлар таржималаридан ҳам мисоллар келтиришга интилдик." [4, 237]. Муаллиф тан олганидек, китобнинг кейинги "Мақол, матал ва идиомалар, уларни бир-биридан фарқлаш" (256-286 бетлар), "Бадий таржимада мақол, матал ва идиомалар структурасининг баъзи хусусиятлари" (287-341 бетлар) бобларида муаллиф мақол, матал ва идиомаларни фразеологизмларнинг объекти сифатида олиб, уларни рус тилидан ўзбек тилига ўтирилган асарлар мисолида таҳлил қилиб беради. Муаллиф шу ўринда ёзади: "Таржимада мақол, матал ва идиомалар объектининг ва сақланиш масаласи ўзбек таржимашунослигида умуман ўрганилмаган. Кўпинча рус олимларининг ишларида бу масала тилга олинган бўлса-да, аммо алоҳида проблема сифатида текширилмаган, шунинг учун таржимачилик илмида учраб турадиган бу ҳодиса ҳозиргача ягона номга ҳам эга эмас." [4, 287]

Хуллас, проф. ўйбулла Саломов китобининг V ва VI бобларида, мақол, матал ва идиомаларни фразеология объектлари тарзида қабул қилар экан, олим К. Чуковский, А.В. Федоров, И. Кашкин ва М.М. Морозов [5, 35] тадқиқотларига эргашган ҳолда уларнинг рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш принципларини ишлаб чиқади ва русча-ўзбекча таржима назариясини биринчи бўлиб яратади.

Профессор ў. Саломовдан сўнг айнан шу йўналишда тадқиқот олиб борган Қудрат Мусаев 1967 йил "Инглиз тилидан ўзбек тилига таржиманинг стилистик масалалари" мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилади. Қ. Мусаев биринчи бўлиб инглиз тилидаги фразеологик ибораларнинг ўзбек тилига таржима қилинишини ишлаб чиқди [7]. 1969 йил Асрор Нарзикулов "Француз фразеологияси ва француз-ўзбек бадий таржимачилиги масалалари" [8] мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди.

Гарчи проф. ў. Саломов ва доц. Л. Абдуллаевлар рус тилидан ўзбек тилига таржима назариясининг лексик ва стилистик муаммоларини таҳлил қилишган бўлишсада, улардан сўнг Қ. Мусаев ва А.Нарзикуловлар инглиз ва француз

тилларидан ўзбек тилига таржимада стилистик муаммоларни биринчи бўлиб ўрганишди. Бу ишлар 70-йилларда майдонга келган айрим хорижий (инглиз, немис, фрунцуз) тиллардан ўзбек тилига таржима назариясининг турли муаммоларини ёритувчи тадқиқотларга тўртки бўлди. Яна бир жихати, тадқиқотчи Қ. Мусаев инглиз тилини, А. Нарзиқулов эса француз тилини мукамал эгаллаган мутахасислар эди. Шундай бўлсада, бу тадқиқотчилар ҳам ўз ишларида А.В. Федоров, М.М. Морозов, Ф. Саломов тадқиқотлари изидан бордилар. Уларнинг ютиги инглиз ва француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган таржималарни аслият ва русча матнлар билан солиштириб ўргандилар ва бивосита (рус тилидан) ва бевосита (оригиналдан) таржималарнинг ютуқ ва камчиликларини, афзаллик жиҳатларини кўрсатиб бера олдилар. Илк даъфа улар таржима амалиётида бевосита таржиманинг устунлик томонларини ёқлаб чиқдилар ҳамда таржималарни аслиятдан таржима қилишга даъват этдилар.

Адабиётлар:

1. Русские писатели о переводе (XVIII-XX вв.) Под ред. Ю.Д. Левина и А.В. Федорова. - М.: Советский писатель", Л.,1960.
2. Федоров А.В. Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы). М.: 1958.
3. Топер П.М. Традиции реализма (русские писатели XIX века о художественном переводе)// "Вопросы художественного перевода". Сб. статей. - М.: "Советский писатель", М., 1956.
4. Саломов Ф. Тил ва таржима. - Т.: Фан, 1966.
5. Морозов М.М. Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык. - М., 1956.
6. Успенский Л. Слово о словах. - М., 1957. С. 365.; Будагов Р.А. Введение в науку о языке. - М., 1965.
7. Мусаев Қ. Стилистические вопросы перевода с английского на узбекский язык (традиционные числительные и фразеологизмы). АКД. Ташкент, 1967.
8. Нарзикулов А. Французская фразеология и вопросы французо-узбекского художественного перевода. АКД, Ленинград, 1969.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000